

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИЛМИЙ МУЗОКАРА: ФИЛОЛОГИЯ,
ЛИНГВИСТИКА ВА ПЕДАГОГИКА
МАСАЛАЛАРИ**

*Республика илмий-амалий конференция материаллари
20 май 2015 йил*



Тошкент 2015

ОТЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Фразеологизмлар бадий асар мазмунини бойитишда бекиёс аҳамиятга эга тил воситасидир. Шунинг учун ҳам маълум бир халқ ва даврга тегишли бўлган фразеологик бирлик (бундан кейин ФБ)ларни таржима қилиш таржимондан катта билим ва маҳорат талаб этади.

Таржимада давр руҳи, замон нафаси, даврнинг адабий тил тушунчаси билан боғлиқ етакчи майлларни ак эттириш жиддий, мураккаб комплекс муаммолардир. У шунинг учун ҳам комплекс характерга эгаки, бу ерда масаланинг фақат бир давр, муайян бир ёзувчининг ижодидан килинган таржималар, бир таржимон қўллаган тажриба ва ниҳоят алоҳида олинган бир адабий жанр доирасида килинган тажрибалар билан чегараланган ҳолда таҳлил этиб бўлмайди.[3,129-130] Ана шу ҳақиқатни англаган ҳолда, бадий асарлар таржимасида аслият ва ўғирма ўртасидаги ўхшашлик ва боғлиқликни сақлаб қолиш бугунги кун тилшунослиги ва таржимашунослиги олдида турган асосий меъзонга айланди.

Тилшуносликда узок йиллардан буён француз ва ўзбек тилини (восита тили орқали) ўзаро қиёсий ўрганиб келинади. А.Нарзиқулов ана шундай тилшунослардан бири бўлиб, у ўзининг илмий тадқиқотларида ҳатто француз тилидан ўзбек тилига фразеологизмларни таржима қилишнинг усуллари, ФБларнинг маъно англантишидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларини қиёсий таҳлил этди.

“Ҳар бир тилда – деб ёзади олим, – ёзувчилар ёки сўзловчилар метофора, рангга оид сифатлар сингари воситаларга мурожаат қиладилар. Бошқа тилда худди шу предметлар кўзга ташланмай қолиши ҳам кузатилади. Француз тилида: *pleurer comme une Madeline, parler français comme une vache espagnole*; рус тилида: *мрачнее тучка седой как лунь*; ўзбек тилида: мусичадай беозор қабиларни шулар жумласига киритиш мумкин.[2,37]

Француз тили тадқиқотчиси Рене Жоржен “Ўхшатиш — нисбатан амалий ва кадимий ифодалаш усули ҳисобланиб, у ҳар доим образли ва бадий тасвир воситаси бўлган ва бўлиб қолади”, [5,143] дея ФБларнинг таркибий қисмига кирувчи ушбу хусусият ҳақида ўринли мулоҳаза билдиради.

Ўхшатиш 2 хил бўлади: индивидуал (ўзига хос) ва ҳаммага маълум, тургун ўхшатиш.

Индивидуал ўхшатишлар (ёки қиёслаш) фразеологик бирликлар билан қарама-қарши ҳисобланади. Ёзувчининг ўзига хос қиёслаши қутилмаган ҳолларда камдан-кам учрайдиган эстетик хусусиятни амалга оширади ва биз уларнинг кейинчалик тилда барқарорлашиши ёки барқарор бўлмаслигини билолмаймиз[2,70-83]. Ўз-ўзидан англашиладики, тургун ўхшатиш индивидуал ўхшатишнинг акси бўлиб, ундаги бирликлар нутқ жараёнида яратилмай, балки, нутққа тайёр ҳолда киритилади.[4,70-83] Француз ФБларини қиёслашда рифма ва аллитерация фаол усуллардан ҳисобланади. Рифма – бу ФБларда охириги бўғинлар талаффузининг бир хиллигини ифодаловчи ўхшатишдир: *sage comme une image; battre comme plâtre*. Аллитерация эса бир хил товушларнинг сўз бошида такрорланиши ҳисобланади: *plat comme une plance, manger comme un maçon*.

Ўзбек тили фразеологиясида эвфоник (оҳангдош) бирликларнинг ўрнида *-дек, -дай* қўшимчалари қўлланилиши эвазига француз ФБларидаги эвфония кузатилмайди, француз тилида бу қўшимчалар ўрнини *comme* боғловчиси бажаради.[2,40]

ФБларни қиёслашда ҳайвонот оламига мурожаат қилиш ҳам ҳар уччала тилга хосдир:

Аслиятда: *Il avait toujours un béret marin et déjà des lunettes. A dix ans, il en paraissait huit, mais fin comme un renard.* (А.Стил. Premier choc, p.395.)

Рус тилида: Забавный такой мальчишка, - в очках, в матросской шапочке, в десять лет ростом с восьмилетнего. Но уж хитер был как лисица. (А.Стиль. Первый удар, с.51)

Ўзбек тилида: Кўзида кўзойнак, бошида матросча қалпоқ: ёши ўнда-ю саккизнинг дидини берар, ишқилиб кўрмисизгина бола эди, лекин шу қадар айёр эдики, мисоли тулки. (А.Стиль. Биринчи зарба, б.418)

Ушбу мисолда француз тилидаги *comme* боғловчиси *как* ҳамда *-дек, -дай* боғловчилари билан вазифадошдир. Ўзбек тилидаги мисолда *-дек, -дай* қўшимчаларининг ўрнини **мисоли** (тожикча *ба мисоли*) боғловчиси бажариб келган.[2,41]

Бу каби тадқиқотлар тилшуносликда тилларни ФБлар асносида қиёсий таҳлил этиш борасида муҳим аҳамият касб этиб, бадий асар ҳамда унинг таржимасида кузатиш мумкин бўлган умумий ва хусусий жиҳатларни очиб беради.

Фразеологизмлар кўп даврлардан буён тадқиқ этилади. Биз ранглар воситасида ҳосил бўлган француз ФБларини таҳлил этида шундай тадқиқотларга мурожаат этиб, уларни бошқа манбалар билан таққослаб, бир қанча хусусиятларни кашф этдик. Жумладан:

1. Француз тилида шундай ФБлар борки, улар бир сўз доирасида ясашиб, қарама-қарши маъно (антонимия) ҳосил қилиши мумкин. Масалан:

- 1) **âme blanche** – чистое сердце – покиза қалб, соф кўнгил ≠ **âme noire** – чёрное сердце – ёвуз қалб.
- 2) **magie blanche** – белая магия – дуохонлик ва **magie noire** – чёрная магия; тёмное дело - сехргарлик, жоду амал; шубҳали ишлар.

Ушбу ўринда “*blanche*” (ок) ва “*noire*” (қора) ранглари ФБлар ўртасида ўзаро қарама-қаршиликни ҳосил қилган.

2. Яна шундай ибораларни учратиш мумкинки, улар гарчанд қарама-қарши ранглар асносида ифодаланса ҳам бир хил маънога эга. Масалан:

colère noire – ярость – каттик ғазаб, каттик кахр = **colère noire** – ярость – каттик ғазаб, аччик, жахл = **chagrin noir** – сильное огорчение, глубокая печаль – каттик нафрат; каттик ғазаб; огир кайғу; беҳад хафалик. Ушбу ўринда “blanche” (ок) ва “noire” (кора) ранглари ФБдаги ўзаро маънодошликни ҳосил қилувчи воситалардир.

3. Шунингдек, ФБларда бир асосга эга сўзларга рангни билдирувчи сўзлар кўшилиб турли маънодаги иборалар ҳосиласига олиб келади. Масалан:

- 1) **col blanc** – служащий – хизматкор ва **col bleu** – матрос, военный моряк – матрос – ҳарбий денгизчи;
- 2) **papier blanc** – белая бумага – тўлдирилмаган (ёзилмаган) қоғоз ва **papier bleu** – повестка с вызовом в суд (уведомление о штрафе) – судга чакирув қоғози;
- 3) **sable blanc** – соль – калампир ва **sable jaune** – перец – туз.

Ушбу иборалар таржимада ФБларнинг баъзан оддий сўз орқали ҳам ифодаланиши мумкинлигини, фразеологизмлар структуравий жиҳатдан сўзларнинг эквивалентлари [1,6] эканлиги тўғрисидаги фикрни яна бир бор тасдиқлайди.

4. А.Нарзикулов таърифлаган эвфоник (оҳангдош)лик хусусиятини ранглар воситасида ясалган фразеологизмлар орасида ҳам учратиш мумкин. Масалан:

carte rose – права водителя (автомашины) – ҳайдовчилик ҳуқуқини берадиган ҳужжат ва **cartouche jaune** – волчий билет – бўрипатта (революциядан илгари россияда, шубҳали, ишончсиз деб қаралган кишиларга берилган ҳужжат, паспорт) каби.

5. Бир неча фразеологизмлар тахлили уларни ташкил этувчи лексик бирликларидан ибора маъноси ўсиб чиққанлигини кўрсатади. Масалан:

- 1) **assiette blanche** – чистая тарелка – тоза ликопча;
- 2) **barbe grise** – старик, старикан – қария, ок сокол;
- 3) **beurre noire** – топленое масло – эритилган ёғ (мол), сарик ёғ;
- 4) **idées noires** – меланхолия, мрачное настроение – мудхиш (қайғули) ўй-хаёллар; дилгирлик, меланхолия;
- 5) **liste noire** – чёрный список – қора рўйхат.

Гарчи айрим иборалар таржимада мос келмаган ёки бошқа бирликлар орқали ифодаланган бўлсада, бу ҳолат таржима тили ва усулининг бир хил бўлиб қолмаслигини таъминлайди. Хулоса ўрнида:

1. ФБлар таржимада ҳар доим ҳам фразеологизмлар билан ифодаланмай, ФБга яқин бошқа сўз бирикмалар билан ҳам ифодаланиши мумкин.

2. Ибораларни индивидуал (ўзига хос) ўхшатиш тилда факат ёзувчининг ўзигагина тегишли бўлган, ФБларга қарама-қарши нофаол ибораларни ҳосил қилувчи қиёслаш усулидир.

3. Турғун ўхшатиш индивидуал ўхшатишнинг акси бўлиб, ундаги бирликлар нутқ жараёнида яратилмай, балки, нутққа тайёр ҳолда киритилади.

4. Айрим иборалар таржимада мос келмай, бошқа бирликлар орқали ифодалансада, бу ҳолат таржима тили ва усулининг бир хил бўлиб қолмаслигини хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

- 1. Имяминова Ш.С. Немис тили фразеологияси. MUMTOZ SO'Z, T., 2011.
- 2. Нарзикулов А. К вопросу художественного перевода с французского на узбекский язык. Т., Фан, 1974.
- 3. Саломов Ф.С. Таржима назарияси асослари. Т., Ўқитувчи, 1983.
- 4. Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. М., Л., 1964.
- 5. Rene GeorGIN. Les secrets du style. P., 1961.

*Хўжаева З.Х., УрДУ, катта ўқитувчи
Худойберганов Ё.И., УрДУ, ўқитувчи
Рахимова Д.Қ., УрДУ, талаба*

ЎЗБЕК ВА ФРАНЦУЗ ТИЛЛАРИДА ПРОВЕРБИАЛ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ МУҚОЯСАСИ

Ўзбекистоннинг ҳар томонлама сиёсий ва иқтисодий, манаънавий-маърифий раўнақида чет тилларини муқаммал билиш устувор вазифалардан биридир. Шу сабабли, чет тилларини ўрганиш ва ўргатишда ушбу тилларнинг семантик йўналиши, стилистик хусусиятлари, фразеологик олами, “қоса тагидаги нимқоса гаплар” теша тешмаган ибораларни ўрганиш, уларнинг маъзини чақиб, ўзлаштириш, айниқса уларни қиёслаб ўрганиш ўзининг юқори самарасини беради. [Маматов 2012: 3]

Провербиал фразеологизмлар – фразеологик бирликларнинг маълум бир қисми сифатид компонентларнинг сўз, сўз бирикмаси ва гапга нисбатан тўлиқ ва қисман семантик ўзгариши билан характерланади. Улар тилнинг мустақил яратилган махсулоти сифатида – фонема, морфема, сўз каби бошқа ти бирликларига нисбатан мураккаброк бўлиб, лексик, грамматик ва айниқса семантик тузилишга эгадир. Б структурада кўпроқ экстралингвистик факторлар иштирок этади. Ушбу факторлар эса фразеологик бирликларнинг шаклланиши ва ривожланишида катта роль ўйнайди, уларнинг миллий характерини намоён этади.

Провербиал фразеологизмлар, яъни мақол ва маталли фразеологизмлар ҳар бир халқ даҳосининг эн дурдона фикрлари ҳисобланиб, буларда энг қисқа иборалар орқали жуда кенг маънодаги фикрлар ифода этилади. Масалан: “L’hôte et la pluie, après trois jours ennuiant.” ёки синоними “L’hôte et le poisson en trois jours sont poison” провербиал фразеологизмлари французларда XIII асрда пайдо бўлиб, унда меҳмондирчилик ҳақида фикр юритилади, (сўзма-сўз тарж. “меҳмон ва ёмғир (балиқ), 3 кундан сўнг зерикарлидир). Ушбу провербиал

1-ШЎЪБА

ЛИНГВИСТИКАНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

<i>Атабаева Н.А.</i>	Ўзбек тилида “аёл” ва “эркак” тушунчаларининг гендер нуктан назаридан тахлили	3
<i>Атаева Т.К.</i>	Атокли отларнинг ономастик таснифи	4
<i>Аълоева Н.</i>	Стилистический потенциал сложносочиненного предложения во французском языке	6
<i>Базарова Н.Ш.</i>	Пополнение лексики за счет перехода имен собственных в имена нарицательные	7
<i>Ботырова С.Ж.</i>	К проблеме установления системного и функционального семантического объема лексем концепта «erth» / «er» в английском и узбекском языках	8
<i>Буриханова Н. Б.</i>	Неологизмы молодёжного аргю в современном французском языке.	10
<i>Буриханова Н. Б.</i>	Лингвистические особенности современного молодежного социолекта	11
<i>Джумаева Ш.</i>	Frazeologik sinonimlarning o'zbek tiliga berilishining asosiy masalalari	12
<i>Жураева И.А.</i>	Инглиз ва ўзбек тилларида лингвокультурологик муаммолар	13
<i>Жумаева Н.</i>	Ingliz tilidagi frazeologiya ob'yektlarining tarjimada o'zgarish hollari	15
<i>Имяминова Ш.С.</i>	К вопросу устойчивости и классификации фразеологических единиц немецкого языка	16
<i>Ли Ю.В.</i>	Символика двузначных и многозначных чисел и значение фе с соответствующим компонентом	20
<i>Маматов А.Е.</i>	Тил нормаларининг типлари масаласи	21
<i>Мирходжаева Ф.У.</i>	Функционирование прецедентного высказывания и ситуации библейского происхождения	22
<i>Полванова С.Т.</i>	Семиотика фанининг вужудга келиши	24
<i>Рофиева Г.Ю.</i>	Ўзлашган сўзларнинг морфологик мослашуви	26
<i>Сагдиев К.</i>	Фразеологизмларни тилда пайдо бўлиш	26
<i>Сальникова М.А.</i>	Спортивная фразеология как особый пласт французского языка	27
<i>Ходжаева Г.</i>		
<i>Сафаров Ш.,</i>	Категориаллаштириш жараёни ва мазмун яратиш	29
<i>Боймирзаева С.</i>		
<i>Убайдуллаева И.Ш.</i>	Гипонимия как родо-видовое отношение в лингвистике	31
<i>Шамуратова Г.</i>	Некоторые коммуникативно-ориентированные методы обучения иностранным языкам	32
<i>Курбонова Г.С.</i>	Фразеологиянинг универсал ва миллий ўзига хослиги	33
<i>Khayrullayeva N.N.</i>	The problems of forming the ways of phraseological units	34
<i>Хожиева Г.С.,</i>	Отли фразеологик бирликларнинг лингвистик хусусиятлари	36
<i>Раҳимова Д.</i>		
<i>Хўжаева З.Х.,</i>	Ўзбек ва француз тилларида провербиал фразеологизмларнинг муқоясаси	37
<i>Худойберганов Ё.И.,</i>		
<i>Рахимова Д.Қ.</i>		
<i>Хо'jayeva Z.X.,</i>	Fransuz tilidagi zoonimik komponentli frazeologik birliklarda polisemiya hodisasi	39
<i>Худойберганов Ҳ.И.,</i>		
<i>Матюқубова Д.,</i>		
<i>Ҳуснурова С. М</i>	Metafora va metonimiya stilistik vositalarining maqolalarda uchrashi va ularning o'ziga xos hususiyatlari	40
<i>Matkarimov A. K</i>		
<i>Яҳёева З.,</i>	Француз тилида avoir+nom конструкциясининг	42
<i>Атаммирзаева Э.</i>	Ўзбек тилида ифодаланиши	

2-ШЎЪБА

ФИЛОЛОГИЯНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

<i>Абдиев М.</i>	Давлат тилимиз – ифтихоримиз	43
<i>Абдуллаева Р.</i>	Немис тилининг ўзига хос хусусиятлари хақида мулоҳазалар (марк твеннинг „дахшатли” немис тили” адабий-танқидий эссеси мисолида)	45
<i>Ақбарова И.,</i>	Қофия ва унинг таржимада берилиши	47
<i>Нуруллаев Х.</i>		
<i>Ақбарова И.</i>	Маданий тафовутлар ва таржима муаммолари	48
<i>Асадов М.Т.</i>	Ўрта асрлар француз адабиётида “тарбия” мавзуси	49
<i>Асланов Б.</i>	Аслиятдан таржима муаммолари (херманн хессе ижоди мисолида)	50
<i>Бабаева С.Р.</i>	Ўзбек илм-фани, маданияти ва адабиётининг чет эл адабиётидаги роли	52